



Эссе — хажми унча катта бўлмаган, эркин шаклда ёзиладиган ижодий иш бўлиб, унда муаллиф танланган мавзу бўйича шахсий фикрини баён қилади, муаммони таҳлил қилади ва ўз нуктаи назарини далиллар билан асослайди. Муаллиф муаммога ўзининг ҳаётий тажрибаси, билими ва таассуротлари нуктаи назаридан қарашга ҳаракат қилади [1].

«Эссе» атамаси француз тилидаги *essai* — «тажриба», «синов» маъноларини англатувчи сўздан келиб чиққан. Француз ёзувчиси Мишель де Монтень ўз мулоҳазаларини шу ном билан атаган. У жанрнинг асосчиси ҳисобланади [2]. Бугунги кунда эссе мактаб ва олий таълим муассасаларида, олимпиада ва имтиҳонларда, шунингдек, журналистика, танқид ва блогларда кенг қўлланилади.

Эссе мавзулари жуда хилма-хил бўлиши мумкин: фалсафий мавзулардан — «Бахт нима?», ижтимоий мавзуларгача — «Болалар учун ижтимоий тармоқларни таққоқлаш керакми?»; маданий ва адабий мавзулардан — «Нима учун Достоевский қаҳрамонлари азоб чекади?», шахсий мавзуларгача — «Бир йил давомида нимани ўргандим?»

Энг муҳим шарт — муаллифда муайян муаммо ёки савол ва унга нисбатан ўзининг шахсий позицияси бўлиши керак. Эссе ўқувчини фикрлашга ундаши лозим. У шунчаки фактлар йиғиндиси эмас, балки ана шу фактларнинг аниқлиши ва талқин қилиниши бўлиши керак.

Мактаб ва талабалар амалиётида кўпинча ахлокий-фалсафий, ижтимоий ёки адабий мавзулардаги эсселар учрайди. Масалан:

- «Эркинлик нима ва унинг чегараси қайда?»
- «Ўлгизликда бахтли бўлиш мумкинми?»
- «Менинг севимли адабий қаҳрамоним»
- «Нима учун тарихни ўрганиш керак?»

Бундай мавзулар талабага ўзининг индивидуаллигини намоён қилиш ва мантиқан изчил

матн тузиш кобилятини кўрсатиш имконини беради.

Эссе иншодан нимаси билан фарк килади?

Иншо — ёзма иш бўлиб, унда муаллиф берилган мавзу бўйича ўз мулохазаларини, одатда, мантикий изчил ва муайян тартиб асосида баён килади. Иншонинг максади — муайян муаммони очиб бериш ёки бирор асар, ходиса ёки воқеани таҳлил қилиш [3].

Бундай матнларда далилларга таяниш, композицияга — кириш, асосий қисм ва хулосага риоя қилиш ҳамда фикрларни мантикий ва асосли тарзда баён этиш муҳим ҳисобланади.

> «Эссе иншодан, аввало, ўзининг эркинлиги билан фарк килади. Агар иншо муайян тартиб, қатъий тузилиш ва бетараф оҳангни талаб қилса, эссе муаллифга ассоциатив тарзда фикрлаш, ҳиссий мулоҳаза юритиш ва ҳатто парадоксларга йўл қўйиш имконини беради. Иншода одатда мавзуга ва дастур ёки ўқитувчи белгиланган қоидаларга мувофиқлик муҳим. Эсседа эса бундай чегаралар деярли йўқ: мавзуни, фикрни баён этиш шаклини ва услубни муаллифнинг ўзи танлайди. Эссе риторик савол, қўйилмаган қўзғатув ёки шахсий воқеа билан бошланиши мумкин — ўқувчини фикрлар оқимида жалб қилишга ёрдам берадиган ҳар қандай усулдан фойдаланиш мумкин».

Татьяна Меньщикова

Филология фанлари номзоди, ёзувчи ва журналист

Масалан, адабиёт фанидан ёзиладиган иншода асар матнини таҳлил қилиш: қаҳрамон характери очиб бериш, унинг сюжетдаги ўрнини кўрсатиш ва фикрларни иқтибослар билан тасдиқлаш талаб этилади. Аммо ҳудди шу мавзу бўйича ёзиладиган эсседа муаллиф қаҳрамон ҳақидаги шахсий таассуротлари билан ўртоқлашиши, уни ўзининг ёки реал ҳаётдаги инсонларнинг характери билан қиёслаши мумкин.

Иншо ўқувчининг мавзуни қанчалик яхши тушунганини текширади. Эссе эса муаллифнинг мустақил фикрлаш, ҳис қилиш ва ўз фикрларини мустақил баён этиш кобилятини намоён қилади.

Эссе турлари

Эссени таснифлашнинг бир неча усуллари мавжуд. Улар мазкур жанрнинг канчалик кўп киррали эканини яққол кўрсатади [1], [4], [5], [6]. Шунинг учун ёдда тутиш керакки, таснифлаш усулига қараб, битта матн бир вақтнинг ўзида фалсафий эссе, тақриз ёки киёсий эссе бўлиши мумкин.

1. Мазмунига кўра

Бу таснифлашда эссенинг мавзуси ва қайси соҳага тааллуқли экани асос қилиб олинади. Асосий ўринда муаллиф мулоҳаза юритаётган мавзу туради. Бу ҳақда НИУ ВШЭ Дизайн мактабида «Иллюстрация ва комикс» йўналиши ўқитувчиси, адабий шарҳловчи Ася Гасимова таъкидлайди.

Фалсафий эсселар ҳаёт мазмуни, ахлокий қадриятлар, борлиқнинг табиати каби абстракт мавзулар ҳақидаги мулоҳазаларга бағишланади. Бундай эсселар умумлаштиришга интилади. Муаллиф қўйган саволлар эса ўқувчини мазкур мавзу ҳақида фикрлашни давом эттиришга, нарсаларнинг моҳиятини аниқлашга қаратилган ўзига хос мулоқотга қўрайди.

Танкидий (адабий-танкидий) эсселар муайян адабий асарларни, умуман олганда эса санъат асарларини — фильм, спектакль, мусикий альбом ва бошқаларни таҳлил қилади. Уларда асарнинг мавзуси, образлари, услуби ва маданиятга таъсири ўрганилади. Бундай эссе муаллифи факат қаҳрамонлар сўзлари ёки сюжет воқеалари билан чекланиб қолмайди; у бошқа асарлар билан параллеллар ўтказиши ёки ҳатто таҳлил қилинаётган мавзунинг ўз ҳаётидаги воқеалар билан боғлаши мумкин.

Тарихий эсселар тарихий воқеалар, уларнинг сабаблари, оқибатлари ва бу воқеаларнинг бугунги кун учун аҳамиятини кўриб чиқади. Муаллиф турли даврларни ўзаро қиёслаши, тарихий воқеалар ва ўтмишдаги шахсларнинг ҳатти-ҳаракатларига ўз баҳосини бериши мумкин. Яна бир усул — тарихий шахсларнинг айтган фикри ёки сўзлари асосида унинг тарихий воқеалардаги роли ва аҳамиятини таҳлил қилиш ҳамда унга нисбатан умумий, далилларга асосланган муносабатини билдириш.

Публицистик эсселар долзарб сиёсий ёки ижтимоий масалаларни кўтаради. Уларнинг асосий мақсади — ўқувчига таъсир кўрсатиш ва жамоатчилик фикрини шакллантириш.

2. Адабий шаклига кўра

Бу таснифлашда эсселар мавзусига қараб эмас, балки материални баён қилиш шаклига кўра ажратилади. Ася Гасимованинг таъкидлашича, бундай ёндашув асосан адабиётшуносликка оид тадқиқотларда учрайди.

Кайд (заметка) — маиший ёки ижтимоий аҳамиятга эга мавзуга бағишланган қисқа эссе. У қисқалиги, долзарблиги ва содда баён услуби билан ажралиб туради.

Такриз — муайян санъат асарига, кўпинча китоб, фильм ёки спектаклга баҳо берувчи эссе. Бунда тахлил қилинаётган асарнинг кучли ва заиф томонларига асосий эътибор қаратилади.

Диалог — суҳбат шаклида ёзилган эссе. Бунда муаллиф турли қарашларни қарама-қарши қўйиши, гўёки ўз-ўзи билан ички баҳс олиб бориши мумкин. Бунда барча репликалар битта муаллифнинг тасаввури маҳсули бўлиши ҳам мумкин.

Мактублар — муайян шахс ёки аудиторияга мурожаат шаклида ёзилган эссе. У кўпинча шахсий хис-туйғулар ёки фикрларни ифодалаш учун хизмат қилади. Муаллиф биринчи шахс номидан фикр билдиради, аммо тўғридан-тўғри мулоқотга қиришмайди.

Қундалиқдан саҳифалар — шахсий қайдлар шаклидаги эссе бўлиб, кўпинча сана ва шахсий ёзувларга ҳос бошқа белгиларни ўз ичига олади. Бундай эсселарда муаллифнинг ички дунёси, кечинмалари, хис-туйғулари ва мулоҳазалари акс этади.

3. Мақсади ва вазифасига кўра

Эсселарни мақсади ва вазифасига кўра таснифлашда асосий фарқ уларнинг мавзусида эмас, балки муаллифнинг нияти ва ўқувчида қандай муносабат ёки таъсир уйғотишни исташида намоён бўлади. Бунда матннинг асосий вазифасига ургу берилади. Масалан, мактаб, олий таълим муассасалари ва турли таълим курсларида ўқитувчилар талабалардан кўпинча маълум бир турдаги эссе ёзишни сўрайдилар.

Тахлилий эссе. Унинг мақсади — муаммони атрофлича ўрганиш, унга турли томонлардан баҳо бериш, муайян қонуниятлар ва нозик жихатларни аниқлаш. Бундай эсседа мантикий тахлил, далиллаш ва фактларга асосий эътибор қаратилади.

Рефлексив эссе. Бунда асосий эътибор муаллифнинг шахсий идроки, ўз-ўзини тахлил қилиши ва ҳиссий ҳолатига қаратилади. Рефлексив эссе объектив ҳақиқатларни исботлашдан кўра, муаллифнинг ўз кечинмалари, ички қидиришлари ва шахсий тажрибаси ҳақида фикр юритишига имкон беради.

Ишонтирувчи (аргументатив) эссе. Бунда муаллиф муайян нуқтаи назарнинг тўғрилигини далиллашга ёки мантикий аргументлар ва мисоллар орқали аудиториянинг фикрига таъсир кўрсатишга интилади. Яъни муаллиф нафакат ўз позициясини баён қилади, балки ўқувчини ҳам унинг асосли эканига ишонтиришга ҳаракат қилади.

Тасвирий эссе. Бунда асосий эътибор ёрқин образ яратиш, муҳит ёки қайфиятни етказиш, муайян ҳодиса ёки воқеани батафсил тасвирлашга қаратилади. Бундай шакл образли ифодалар ва муаллифнинг таассуротлари орқали ўқувчини муайян қайфият ёки муҳитга олиб қириш имконини беради.

Хикоявий эссе. Унинг асосий мақсади — бирор воқеа, шахсий тажриба ёки муайян мисол ҳақида хикоя қилиш. Хикоявий эссе хикоя элементларини мулоҳаза билан уйғунлаштиради. Муаллиф сюжет орқали муайян муаммо ёки вазият ҳақидаги ўз

карашини намоён килади.

Абу Муслим (профессор)